

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси  
бошлигининг 2021 йил 12 февралдаги С-4-сон буйруғига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва унинг  
худудий бўлинмалари томонидан контрагентлар билан тузиладиган  
шартномаларга киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг  
(коррупцияга қарши курашиш шартлари) мазмуни бўйича**  
**АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Инспекция ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Инспекция ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактлар дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

ишонч телефони;  
Telegram-канали (Махсус бот: <https://t.me/uzagroinbot>);  
Инспекциянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.